Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 25-iyun, seshanba № 76 (3269)

Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди.

Ислом КАРИМОВ

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Мустақиллик энг улуғ, энг азиз неъмат. Бугун биз эришган, эришажак юксак марралар, руҳ ва дил тантанаси, озод ва обод Ватанимиз манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис, халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини ўзгача шукуҳ, меҳр-муҳаббат, хуш кайфият билан кутиб олади. Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 22 йиллигини муносиб қаршилашга қизғин тайёргарлик ишлари бошланди. Муҳтарам Президентимизнинг жорий йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор мазмун-моҳияти ва истиқлол берган улуғ неъматлар ҳақида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғулом Мирзаев билан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбири суҳбатда бўлди.

Истиқлол — абадий, шукуҳи — бебаҳо!

— Президентимиз томонидан 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирганда, авваламбор, бир яққол ҳақиқатни таъкидлаб ўтишимиз лозим, — дейди Ғулом Мирзаев. — Яъни, ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуғ, энг азиз сана сифатида, кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

Шу маънода, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланиб қолди. Ва ҳар йили бу улуғ айёмга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда, кўтаринки руҳда нишонлаш учун давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қарор қабул қилиниши ҳам бу борадаги ишларимизни ҳар гал янги босқичга кўтаришга қаратилиши билан эътиборлидир.

Айни чоғда, бу йилги Қарорнинг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишлаб чиқиладиган Дастурда, аввало, қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида қандай мавзуларни жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб белгилаш, мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда айнан қандай муҳим мисолларга тўхталиш мақсадга мувофиқ экани, барча соҳаларда эришган ютуқ ва марраларимизни кенг оммага етказиш, ҳаётбахш ислоҳотларимизнинг маъно-мазмунини янада теран очиб бериш юзасидан мамлакатимиз раҳбари томонидан аниқ-равшан вазифалар белгилаб берилган.

Бу, бир томондан, байрамга тайёргарлик доирасидаги ишларимизни осонлаштиради, тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини кўтаришга хизмат қилади. Иккинчи томондан, барча ижрочиларга катта масъулият юклайди. Чунки аниқ белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси ҳам аниқ ва тўла таъминланиши керак.

Бу галги улуғ айём Обод турмуш йилига тўғри келаётгани ҳам байрам тадбирларининг мазмун-моҳиятида теран акс этиши зарур, албатта.

Президентимизнинг Қарорида таъкидланганидек, Мустақиллик — бу, аввало, ҳуқуқдир.

Мустақиллик — эркин ва бахтли яшаш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини таъминлашнинг бош омилидир.

Мустақиллик — озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Мустақиллик — биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати, демакдир.

Бугун халқимизнинг букилмас иродасига таяниб, асрлар бўйи давом этган қуллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олган ўша мўътабар санага 22 йил тўлмоқда.

Мустақилликнинг 22 йили — тарихан қисқа, айни чоғда мазмун жиҳатидан ҳар куни асрларга татигулик давр.

«Биз ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам» деган эзгу ва ғурурбахш чорловни ҳаётга изчил, кенг жорий этиш мақсадида, Қарорда қайд этилганидек, **«ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир»**.

Қарорнинг мазмун-моҳияти ва устувор жиҳатлари ҳақидаги фикрларимизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, улуғ байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида халқимиз, ёшларимизнинг онгу шуурига Мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадри ва баҳосини янада чуқур сингдириб боришимиз тақозо этилади.

— Мустақиллик байрами ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида юртимиз бўйлаб катта тантана қилинади. Эътиборлиси эса, ҳар йилги байрам тадбирлари ўзгача маъно-мазмун касб этадиган шиор остида нишонланади. Бу йилги байрам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этмоқда. Бу ғоя замирида қандай маъно-мазмун, фалсафа мужассам?

— Президентимизнинг Қарорида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини бутун мамлакатимизда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб берилди.

Ушбу ғоят таъсирчан шиорни бугунги кунда ҳар бир ўзбекистонлик ўз қалбидаги бемисл фахру ғурур, бахтиёрлик ва шукроналикнинг ёрқин, самимий ифодаси сифатида қабул қилмоқда.

Бу бежиз эмас. Келинг, шиорнинг ҳар битта сўзини таҳлил қилиб, унинг замирида қандай чуқур маъноларнинг мужассам эканига эътибор қаратайлик.

«Қадр-қиммат» — бу тушунча **«қадр» ва «қиммат»** деган иккита сўздан ташкил топган бўлиб, бугунги кунда юртимизда нафақат маънавий, балки юридик мазмунга ҳам эга. Яъни, Ўзбекистон фуқароларининг қадр-қиммати қонун ҳимоясида.

Шу икки сўз бирлашиб, **«жамиятда, кишилар ўртасида тутган ўрин», «ўзгалар томонидан бўлган ҳурмат», «ҳеч нарсага сотиб олиб бўлмайдиган, яъни баҳоси йўқ, бебаҳо, қадрли, азиз»**, деган чуқур тушунчаларни англатиб келмоқда.

Бошқача айтганда, шу пайтгача «Она Ватаним» деб, туғилиб-ўсган юртини онага қиёслаб келган халқимиз бугун мана шу пурҳикмат шиор тимсолида Ўзбекистонни ўз қадр-қимматига ҳам таққосламоқда. Демак, истиқлол йилларида, юртдошларимизнинг қадр-қиймати шунчалик юксалган, ватанпарварлик туйғуси ҳам шунга мос даражада ўсган. Айнан Мустақиллик бермадими бу юксак қадр-қимматни халқимизга?!

(Давоми 2-саҳифада).

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

«Цементчи» оромгоҳи янги қиёфа касб этди

Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси болаларни соғломлаштириш ишлари сифатини янада оширди. Янги оромгоҳларни барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича Манзилли дастурга мувофиқ, юртимиздаги оромгоҳлар моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, янги дам олиш масканлари барпо этилмоқда. Хусусан, 2012 йилги Манзилли дастур асосида 30 дан ортиқ оромгоҳ капитал таъмирланиб, реконструкция қилинди. 3 та янги оромгоҳ қурилишига киришилди. Жорий йилда эса 34 тасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, 2 та янги оромгоҳ барпо этилиши режалаштирилган.

«Бекободцемент» очиқ акционерлик жамиятининг «Цементчи» болалар дам олиш оромгоҳида амалга оширилган катта ҳажмдаги реконструкция ишлари ҳам ушбу Манзилли дастур ижросининг амалдаги намунасидир. Мазкур оромгоҳда 5 та замонавий ётоқ биноси, ошхона, кинозал, рақс майдони, тиббиёт маскани, маънавият ва маърифат маркази, сузиш ҳавзаси, спорт майдонлари болажонлар ихтиёрига топширилди. Ушбу мақсадларга қарийб 1 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида қуриб битказилган «Шодлик» оромгоҳини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилояти ҳокимлиги, вилоят касаба уюшма ташкилотлари фаоллари, ота-оналар, оромгоҳ дам олувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Тадбирни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Бекчанбой Матёқубов олиб борди.

Шодлик дунёсига хуш келибсиз!

Урганч туманидаги «Шодлик» оромгоҳи янги биносининг очилишига ташриф буюрган барча-барча ўз қувончини, ҳайратини яширмади.

— Мамлакатимиз Президентининг эътибор ва ғамхўрлиги туфайли вилоятимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда, — деди Хоразм вилояти ҳокими Пўлат Бобожонов. — Воҳа тараққиётига хизмат қилувчи тўртта дастур амалга оширилмоқда. Халқ хўжалигининг барча жабҳасини қамраб олган бунёдкорлик ишлари фаровонлигимизни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Буни болаларимизга ҳам кўрсатилаётган ғамхўрлик сифатида баҳоласак арзийди. Хоразмлик болажонларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун барча имкониятни сафарбар қилиш мақсадида вилоят ҳокими ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг «2013 йил ёзги мавсумда ўқувчи-ёшларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди. Айни пайтда вилоят бўйича 37 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

«КАСАБА УЮШМАЛАРИ — БОЛАЛАРГА»

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

Ҳар жиҳатдан етук, миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойиллар асосида камолга етган фарзанд оила ва жамиятнинг мустаҳкам таянчи, мамлакат келажагининг муҳим кафолатидир. Бугун сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда, жамият қурилишининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар том маънода соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган.

Ёш авлоднинг камол топишида касаба уюшма ташкилотларининг ҳам ўз ўрни бор. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносиб нишонлаш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва унинг асосида қабул қилинган Федерация Кенгаши тадбирлар дастури ижроси бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шиори остидаги тадбирлар чиндан-да кўнгилларга ободлик эпкинларини олиб кирди.

Бир сўз билан айтганда, акция доирасида ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилган тадбирлар болажонларга бир олам завқ-шавқ бағишлади. Хусусан, Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари томонидан Меҳрибонлик уйининг 87 нафар тарбияланувчиси, 652 нафар эҳтиёжманд оила фарзандининг «Боғи Бобур» мажмуасига саёҳати уюштирилди, 112 нафар ногирон бола ҳолидан хабар олиниб, уларга совғалар улашилди. Ушбу саховат тадбирларига 16,1 млн. сўм маблағ сарфланди.

(Давоми 4-саҳифада).

МАФТУНКОР БЎЁҚЛАР ОЛАМИ

«Қайси миллат ўз болаларига расм ишлашни худди хат-саводни, ўқиш ва ҳисоб-китобни ўргатгандек қунт билан ўргатса, бу миллат фан, санъат ва ҳунармандчиликда бошқа халқлардан ўзиб кетади».

Дени Дидро

Гулҳаёнинг сеҳрли суратлари

Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, пухта ва мукаммал билим олиши, касб-ҳунар ўрганишига катта эътибор қаратилмоқда. Истиқлол йилларида таълим сифати яхшиланиб, замонавий технологиялар кўмагида самарадорликнинг ошишига эришилди. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз устида тинмай ишлаётган йигит-қизларни кўриб тасанно айтасиз. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичида «Энг яхши ҳунарманд» деб топилган Гулҳаё Абдуллаева шундай ёшларимиздан.

У 1994 йилнинг 20 июнида Қарши шаҳрида мусаввирлар оиласида дунёга келди. Шунинг учун Гулҳаёнинг юрагида болалигидан санъатга қизиқиш куртаклади. Дугоналари қўғирчоқ ўйнашса, у расм солишни хуш кўрар, қалам ва бўёқлар жону дили эди.

(Давоми 4-саҳифада).

"Ishonch"— Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2013-yil 25-iyun № 76 (3269)

«Цементчи» оромгоҳи янги қиёфа касб этди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Очилиш маросимида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи раиси ўринбосари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева, Бекобод шаҳар ҳокими М.Бухорбоев, «Бекободцемент» ОАЖ мутасаддилари иштирок этишди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан оромгоҳда дам олувчи болажонларга туҳфа сифатида замонавий рақамли телевизор ҳадя қилинди.

Янги қиёфа касб этган оромгоҳда мавсум бўйи уч навбатда 450 нафардан зиёд болажон қамраб олинади. Айни дамда 153 нафар дам олувчи 18 кун мобайнида 37 нафар ишчи-ходим паноҳида бўлади. Маданий-маърифий соғломлаштириш ишлари юқори савияда ташкил этилган. «Ёшлар», «Баркамол авлод», «Камалак», «Камолот», «Кичкинтой» гуруҳлари компютер саводхонлиги, тасвирий санъат, моҳир қўллар, рақс, ва спорт тўгаракларига қатнашмоқда. Улар учун турли кўнгилочар дастурлар намойиш этилади. Бир сўз билан айтганда, болалар бу ерда мароқли дам олишмоқда.

* * *

Дарвоқе, салмоқ жиҳатдан Республикада нуфузли ўрин тутадиган ушбу гигант завод ҳозирга қадар йилига етти юз минг тонна цемент ишлаб чиқараётган бўлса, жорий йилдан ишга тушган «Қуруқ усулда клинкир ишлаб чиқариш» корхонаси ҳисобига маҳсулот ҳажми йилига бир миллион тоннага етказилди. Яна 300 киши иш билан таъминланиб, жами ходимлар сони қарийб 2000 нафарга етди.

— Корхонада ишчи-ходимлар ижтимоий ҳимояси йил сайин кучайиб бормоқда, — деди «Бекободцемент» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Азамат Худоёров. — Ўтган йилда тармоқ келишуви ижросини таъминлаш мақсадида 4 млрд. сўм маблағ сарфланди. Бу йил ундан ҳам кўпроқ имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, ҳафтанинг дам олиш кунлари жамоавий дам олиш анъана тусини олмоқда. Ходимлар «Турон», «Чортоқ», «Гулшан», «Зангиота», «Чинобод» санаторийларига йўлланма билан таъминланмоқда. Ходимларнинг жамоа шартномаси орқали олаётган бевосита ва билвосита даромадлари йил сайин ортиб бормоқда.

Корхона ижтимоий инфратузилмаси ривожлантирилиши натижасида ходимлар учун «Цементник» клуби, «Ширин» дам олиш маскани, «Қуёшча» болалар боғи, спорт-соғломлаштириш комплекси, стадион, ошхона фаолияти ташкил этилган. Мазкур хайрли ишларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзига хос кўринишдадир.

* * *

Ҳақиқатдан ҳам, оромгоҳ ҳудудида кезар экансиз, ободлик, кўкаламзорлик ва сойдан эсаётган сарин шабада уйғунлиги дилингизга фараҳ бағишлайди. Узоқ йўл босганингизни унутасиз. Бир зумга бола бўлиб, гул баргидан кема ясаб, зилол сувли арикда оқизгингиз келади. Бу ердаги оқшом ҳар кунгидан ўзгача, тароватли туюлади.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири.
И. ҲАСАНОВ олган суратлар

Истиқлол — абадий, шукуҳи — бебаҳо!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Байрам шиоридаги кейинги сўз — **«таянч»**. Бу сўз тик, барқарор туриш учун хизмат қиладиган восита, деганидир. Эътибор берсангиз, бу сўзнинг ҳамма маънолари Ватан тушунчаси билан чамбарчас боғланиб, янада юксак мазмун-моҳият касб этмоқда.

«Ифтихор» — фахрланиш, ғурурланиш, шоншараф ҳисси, деганидир. Энди айтинг, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг эришаётган ютуқлари, халқимиз забт этаётган марралар билан фахрланмай, ғурурланмай бўладими?!

Мухтасар айтганда, ушбу байрам шиоримиз ўз замирида кундан-кун чирой очаётган қишлоқ ва шаҳарларимиз, озод ва обод юртимиз қиёфаси, барқарор суръатларда ривожланаётган иқтисодиётимиз, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, мана шу мўътабар заминда тотув ва баҳамжиҳат яшаётган барча миллатларнинг бугунги бахтиқболи ва ёрқин истиқболини тўла мужассам этган.

Олдимизда турган муҳим вазифа — байрам тадбирлари доирасида Мустақилликнинг туб моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган мураккаб ва тарихий йўли, эришган улкан марра ва ютуқларимиз, юртдошларимиз дилидаги Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари тўла ифодасини топган мазкур даъват, ушбу эзгу ғоя нигоҳларга, шуурларга, дилларга нақшланишига эришмоқдан иборат.

— Мустақилликнинг илк йиллариданоқ тараққиётимизнинг «ўзбек модели» белгилаб олинди ва бу йўл энг тўғри ҳамда оқилона йўл эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилди. Мустақил тараққиётимизнинг асосий мақсади ва моҳияти эса «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун», деган тамойилнинг ҳаётий ифодаси сифатида бўй кўрсатди. Шу ўринда ушбу тамойилнинг моҳияти ҳақида тўхталсангиз.

— «Инсон манфаати — ҳар нарсадан улуғ». «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият». «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас; аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун». «Ҳамма нарса — инсон учун, унинг келажаги учун». «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»...

Президентимиз мамлакатимиз давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши арафасида ва истиқлол йилларида изчиллик билан илгари сурган ҳамда ҳаётимизга чуқур татбиқ этиб келинаётган бундай эзгу даъватлар ва ҳаётбахш ғоялар замирида Инсон омилига юксак эътибор энг олий мезон сифатида ўз ифодасини топган.

Шу тариқа «инсон ва давлат муносабатларида инсон манфаатлари устувор бўлиши шарт», «жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор», «инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун хизмат қилиши керак», деган ғояларни тўла рўёбга чиқариш йўлида барча зарур шароитлар яратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил — инсондир.

«Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир», деб таъкидлайди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбарининг **«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида»** китобидан жой олган маъруза ва нутқларда мустақилликка эришиш арафасидаги оғир ва суронли йилларда ҳам **инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалиши республикамизда истиқболда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши шарт**, деган талаб кун тартибига қўйилган ва бугун бу ўзининг ҳаётий ифодасини топмоқда.

Бошқача айтганда, Президентимиз ўша кезлардаёқ халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг маънавий ва жисмоний такомили — давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири эканини белгилаб берди.

«Инсон ҳаётининг бу нозик ва мураккаб томонлари билан, хазиналарга тўла миллий-тарихий анъаналар билан, умуминсоний маънавий бойликлар билан ҳисоблашмаслик жамиятимизга қанчадан-қанча зарар келтирди. Бинобарин, бу камчиликларни тузатиш учун жуда катта меҳнат қилишимиз керак», деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

— Йигирма икки йил — тарихан қисқа давр. Бу йиллар мобайнида одамларимизнинг онгу тафаккурида, маънавиятида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Шўролар замонида маънавий меросимиз дурдоналари ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб-ташвиқ қилиш тақиқланган эди. Маънавият даргалари миллатчилик, миллий биқиқликда, диндорликда айбланиб, қатағон қилингани, ҳатто яқин қариндошининг жанозасида бўлгани, таъзиясига боргани учун жазо чоралари кўрилгани кўпчиликнинг ёдида.

Ҳозирги кунда юртимизда 30 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг бирортаси ҳам ўзини ўтган асрнинг 90-йилларидаги кайфият билан юрган инсон деб ҳисобламайди.

Шу маънода, маънавият соҳасида эришилган энг катта ютуғимиз — халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгариб, янгича сифат ва мазмун касб этганидадир.

Бундан 22 йил олдин давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан, **«Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги албатта буюк бўлади!»** деган даъваткор сўзлари бугун ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз ижобатини топганини ким инкор эта олади?

Буни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва юртдошларимизнинг эртанги кунга кучайиб бораётган ишончи тўла тасдиқлайди.

Мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч ким ёлғиз эмаслиги, ҳеч ким эътиборсиз ва қаровсиз қолмаслиги каби халқимизнинг азалий фазилатлари қайта тикланмоқда, ривож топмоқда.

Юртдошларимизнинг маънавий дунёси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кун кучайиб бормоқда. Бинобарин, юксак маънавиятли шахсни ҳеч ким енга олмайди, юксак маънавият қарор топган жамият эса ҳаргиз таназзулга юз тутмайди.

— Президентимизнинг жорий йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан Республика Маънавият тарғибот маркази қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган?

— Биз ўз озодлигимизни, ўз тақдиримизни қўлга олган дамдан буён миллий қадрият ва урф-одатларимизни тиклаш, ўзимиз учун, фарзандларимиз учун янги ҳаёт пойдеворини қуриш йўлидаги мураккаб ва шарафли меҳнат оғушида ўтган ушбу йилларни тараққиёт ва фаровон ҳаёт поғоналари бўйлаб юксалишнинг 22 олтин пиллапоясига менгзаш мумкин.

Президентимизнинг Қарорини ўқиб, ўзимизга Истиқлолимизнинг олмос қирраларини акс эттирадиган 20 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот мавзусини белгилаб олдик. Ана шу мавзулар бўйича тарғиботчилар учун қўлланмалар тайёрлашга киришдик.

Марказнинг алоҳида дастурини тайёрлаяпмиз. Албатта, мамлакат миқёсида тасдиқланадиган Дастурга таклифларимизни берамиз. Ҳамкор ташкилотлар билан қўшма дастурлар тузиш учун иш олиб боряпмиз.

Мустақиллик байрами тарғибот-ташвиқотини уч поғонали, яъни, республика, вилоят ва туман (шаҳар)лар босқичида олиб борамиз. Шу йўналишларда тарғибот гуруҳлари шакллантирилмоқда.

Мақсадимиз битта — қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз ўтган даврда Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб, мағрурланиб гапирсин.

Ҳар биримиз **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган шиорни қалбимиздан чуқур ўтказиб, Мустақиллигимизнинг 22 йиллик қутлуғ байрамини ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан, юқори кайфиятда кутиб олайлик.

«Туркистон-пресс» мухбири
Улуғбек АСРОРОВ суҳбатлашди

Шодлик дунёсига хуш келибсиз!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Уларда 11 мингдан зиёд болаларни дам олдириш режалаштирилган бўлиб, оромгоҳлар ўз муддатида фаолият бошлади. Қолаверса, кам таъминланган кўп болали оилалар фарзандлари бўлган 1250 нафар болани Тошкент вилояти, 250 болани Қашқадарё вилояти оромгоҳларида бепул соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. Бу савобли ишларнинг бошида республика ҳукумати билан бирга касаба уюшмалари Федерацияси турибди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, болалар манфаатини ҳимоя қилиш масаласи истиқлолнинг илк давридан давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айлангани, таълим, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўн икки йиллик бепул мажбурий таълим, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш каби қатор жабҳалардаги кенг кўламли чора-тадбирлар келажагимиз эгаларининг бахтини кўзлаб амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Маълумки, касаба уюшмалари Федерацияси томонидан нафақат меҳнаткашларни, балки уларнинг фарзандларини ҳам ижтимоий муҳофаза билан қамраб олиш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида «Касаба уюшмалари — болаларга» акциясини уюштириш анъанага айланган.

Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг мавсумни кўнгилли ўтказишини таъминлаш мақсадида бунёд этилган «Шодлик» оромгоҳидаги шароитлар мамлакатимизнинг энг нуфузли оромгоҳларидан қолишмайди. Бу янгиланишларни болажонлар ҳам юрак-юракдан ҳис қилишмоқда.

— Фарзандларимиз биздан минг чандон бахтли, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Янгибозор туман кенгаши раиси Рейимбой Шержонов. — Бундай шароитларни орзу ҳам қилмаганмиз.

Дарҳақиқат, «Шодлик»нинг янги биноси кўрган кўзни қувонтиради. Оромгоҳ қурилиши учун 1 млрд. 277 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 250 млн. сўмдан ошиқ маблағга замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Қурилишига ҳомийлик қилган касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши очилиш тадбирига янги туҳфалар билан келди. Эътиборли жиҳати, сўлим маскан қурилишида жонбозлик кўрсатган «Чинобод қурилиш» МЧЖнинг бир гуруҳ қурувчилари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Замонавий ва кўркам бино, сўнгги русумдаги, қулай мебел жиҳозлари, кутубхона, шахмат-шашка хонаси, моҳир қўллар тўгараги, инглиз тилини ўрганишга мўлжалланган хоналар, ётоқхона, ошхона, ювиниш хонаси — барча-барчаси ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

2013 ЙИЛ – ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Навоий шаҳрида касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва вақтинча ишсиз аҳоли учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 172 корхона, ташкилот ва муассаса 412 бўш иш ўрни билан қатнашди.

Битирувчилар иш билан таъминланмоқда

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларнинг замонавий касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиш ва уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, йигит-қизларнинг малакали мутахассис бўлиб етишиши учун коллежлар қошида амалиёт устахонаси ва кичик корхоналар ташкил этилган бўлиб, у ерда орттирилаётган кўникма ва тажрибалар ёшларнинг таълимдан кейинги меҳнат фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ярмаркада ўз мутахассислигим бўйича «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятига ишга жойлашиш учун йўлланма олдим, — дейди Навоий индустриал-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Дилнора Ибодова. — Эндиликда «коллеж — корхона» ҳамкорлигида ўрганган тажрибаларимни иш жараёнида қўллайман.

Ярмаркада 250 нафардан ортиқ аҳоли ва коллеж битирувчиси доимий иш ўрнига эга бўлди. Тадбир доирасида иш берувчи ҳамда ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маълумотлар берилди.

Нуриддин РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИДАН

Алоқачилар касаба уюшма ҳимоясида

«Алло...» Шу биргина сўз орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланиб, иложи йўқдек кўринган ёхуд кўп вақт оладиган ишларимизни битира олиш имконига эгамиз. Аслини олганда, бундай имконият тугмачаларни териш орқалигина амалга ошмайди, бу енгиллик, замонавий шароит ортида минглаб инсонларнинг хизмати турибди. Жазирамадан томоқлари қақраган инсон сувга етишгач, булоққа раҳмат дейишни унутгани каби биз ҳам кўп-да алоқачилар заҳматини эътироф этишни унутиб қўямиз. Зеро, бугуннинг энг долзарб жабҳаларидан бўлмиш мазкур касб эгалари ҳаётимизга, келажагимизга беқиёс ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг олийжанобликка йўғрилган фаолиятини кўнгилдагидек ташкил этиш, ҳар томонлама ҳуқуқларини ифодалашни эса касаба уюшмаси адо этмоқда.

— Вилоятимизда алоқа соҳасини янги тараққиёт босқичларига кўтариш учун 940 нафар ходим тиним билмай ишламоқда, — дейди биз билан суҳбатда «Ўзбектелеком» АК Наманган филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Турдиев. — Уларнинг хавфсиз ва бехатар шароитда ишлаши, ижтимоий ва иқтисодий имтиёзлардан фойдаланишини амалга ошириш борасидаги масъулиятни биз зиммамизга олганмиз.

Мақсадимиз аҳоли учун қулай ва чексиз мулоқот имкониятини яратиш ва уни кенгайтиришдан иборат. Телекоммуникациялар ва алоқа соҳасида юқори сифатли барча хизмат турларини тақдим этиб, истеъмолчига хизматларимиздан фойдаланишда фақат қулайлик ва шу билан бирга, шахсан ўзларига, қариндошлари ва яқинларига, шунингдек, ўз бизнесларига кўпроқ вақт ажратишига имконият яратамиз. Эътибор берилса, касбий мажбуриятларимиз ҳам касаба уюшмасиники сингари инсонга наф келтириш ғоялари билан мужассам.

Филиалда ишчиларни нафақат байрамларда, одатий иш кунларида ҳам кайфиятини кўтариш, эзгуликлар сари руҳлантириш одатийлик тусини олган. Бу борада, айниқса, маънавият соатлари қўл келаётир. Шунингдек, ижтимоий ҳимоялаш, спорт-соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни элга намуна бўлар тарзда ўтказиш касабақўмнинг интилиши маҳсулидир.

— Ўтган ойда касб байрамимиз муносабати билан вилоятимиздаги фаол алоқачилар ҳамда фахрийларимизга 200 кишилик байрам дастурхони тузаб, эсдалик совғалари улашилди, — дейди Б.Турдиев. — Таклиф этилганлар орасида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, соҳада ишлаган, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Абдувоҳид ота Иномов (Наманган телекоммуникация боғламасидан) ҳамда Абдурахмон ота Азизов (Косонсой телекоммуникация боғламасидан) ҳам бор эди. Уларнинг «Бундай шароитлар замонида берилиб меҳнат қилишдан бошқа юмушни ўйламайсан киши» дея фахрлангани ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Дарҳақиқат, шундай дориломон кунларда яшаш, юрт истиқболига ҳисса қўша олиш ҳам саодатдир.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

МУЪЖАЗ ВАТАН

Термиз туманидаги «Янгиариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ердаги ободлик ва ҳамжиҳатлик, аҳолининг бир-бирларига дўстона муносабатларини кўриб қойил қолдик.

Бирлашган эл — бунёдкор эл

Маҳаллада 2881 нафар турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, тинч-тотув яшаб келишмоқда. Қаерда, қайси касбда меҳнат қилишмасин, маҳалла ободлиги йўлида бари ўзини масъул ҳис этади, қўлидан келган ёрдамини аямайди.

Айниқса, тадбиркор фуқаролар маҳалла ободлигига катта улуш қўшиб келаётганини алоҳида таъкидлашни истардик. Ишбилармон Мўмин Маҳрамқулов томонидан қурилган маҳалла гузарида маиший хизмат шохобчалари ва кундалик озиқ-овқат дўконлари одамлар юмушини осон қилмоқда. Бошқа тадбиркор ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам маҳалла ободлигига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Улар байрамларда фаолларга амалий ёрдам бериш баробарида элга дастурхон ёзиш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар ва фахрийларга саховат кўрсатишни ўз бурчлари деб билишади.

Айни пайтда маҳалла аҳли энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрмоқда. Маҳалла ҳудудидаги мактаб, гузар, уй-жойлар атрофини ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахтларни оқлаш, гулзорлар барпо этиш ишлари жадал давом этмоқда.

Аҳоли томорқаларида бу йил ҳам деҳқончилик ишлари кенг қулоч ёйди. Етиштирилган ҳар хил зироатлар Термиз шаҳридаги бозорларга чиқарилмоқда. Эркин Хуррамов, Фахриддин Турдиев, Шоберди Аблаев оилалари картошкадан мўл ҳосил етиштириб, яхшигина даромад эгаси бўлишди. Ҳисоб-китобларга қараганда, маҳаллада яшаётган оилалар ихтиёридаги томорқалар майдони 56,6 гектарни ташкил этади.

Хонадонларда қорамол, қўй-эчки боқиш, парранда парваришлашга алоҳида эътибор берилиб, аҳоли ўзини-ўзи гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаётир. Маҳалла ҳудудида1200 бош қорамол, 1000 бошдан ортиқ қўй-қўзи, 1500 бошдан ортиқ товуқ парваришланмоқда. Бу эса турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Қишлоқ одамларининг асосий тириқчилик манбаи томорқа ҳисобланади. Ундан самарали фойдаланиш хусусида гап кетганда, баъзи тадбиркор оилаларнинг иссиқхона ташкил этиб, бир йилда икки, уч мартадан ҳосил олиши, мўъжазгина иссиқхонадан 10 миллион сўмгача даромад қилаётганини алоҳида таъкидлагинг келади. Масалан, Фахриддин Холмўминов оиласи томорқанинг асосий қисмида иссиқхона ташкил этган. Ф.Холмўминовнинг ўзи сув хўжалиги тизимида хизмат қилади. Қундуз Тожиева — уй бекаси. Фарзандлари — Камол, Тожиддин, Шароф, Фотима ва Зуҳра мактабда ўқишади. Оила аъзолари бўш вақтларини иссиқхонада ўтказишади. Ҳозир бу ерда 32 туп лимон шиғил ҳосилга кирган. 2012 йилда лимондан 3 миллион сўмдан ортиқ даромад кўришди. Лимон дарахтлари орасига бодринг, помидор экиб, ҳар йили 5 миллион сўмдан ортиқ фойда олишмоқда.

Қовун қовундан ранг олганидек, қишлоқдаги бошқа оилалар ҳам иссиқхона барпо этишди. Бугун Янгибой Шобердиев, Урол Қаюмов сингари оила бошлиқларидан ўн беш нафарга яқини томорқаларида иссиқхона қуриб, эртанги помидор, бодринг ва лимон етиштириш билан машғул.

— Азалдан халқимиз ҳар бир масалани маҳаллада ҳал этишга одатланган. Жумладан, тўйларни камчиқим ва тартибли ўтказиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногирону фахрийларга кўмак беришда маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат иш юритилаётгани ишимизни намунали ташкил қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Бибисултон Турдиева. — Маҳалламизда ташкил қилинаётган «Энг намунали кўча», «Энг намунали оила», «Энг китобхон оила», «Энг тадбиркор оила», «Энг тоза ва обод хонадон» танловлари нафақат турмуш фаровонлиги, балки одамлар ўртасида аҳиллик, иноқлик, тадбиркорликнинг ривожига туртки бўлмоқда.

Оилалар тинчлиги, одамларнинг соғлом турмуш кечириши нафақат маҳалла, қишлоқ, балки жамиятнинг ривожидан дарак. Зеро, бирлашган элдан ҳамиша бунёдкорлик кутса бўлади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Сифат — самара белгиси

Ҳар қандай мамлакат учун фуқароларининг соғломлиги «ривожланган ҳуқуқий давлат» белгиларидан бири саналади. Шу боис ҳам юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан ушбу масалага жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда аҳолининг сифатли дори воситалари билан таъминланиш даражаси катта аҳамиятга эга. Шунга кўра дори воситаларини мувофиқлаштирувчи кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман ана шу масалаларга бағишланди.

Ҳозирда республика миқёсида 1265 номдаги маҳаллий, 5334 номдаги хорижий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган 6599 хилдаги дори воситаларининг тиббиёт муассасаларида қўлланилишига рухсат этилган. Таъкидлаш жоизки, мустақиллиқнинг дастлабки йилларида давлатимизда бор-йўғи иккита фармацевтика корхонаси мавжуд бўлиб, уларда атиги 20 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилган. Ҳозир эса бундай корхоналар сони 133 тани ташкил этади. Улардан 26 таси халқаро сифатни бошқариш тизими ISO 9001 ва GMP сифат белгиларига эга. Қолаверса, маҳаллий корхоналардан 17 таси ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилаётгани соҳада олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганидан дарак беради.

Республикамизда дори воситаларининг сифат назорати тизими Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, унинг ҳудудий филиаллари, мустақил сертификатлаш идоралари, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси ҳамда маҳаллий фармацевтика саноати корхоналарининг ички назорат таҳлил лабораторияларини ўз ичига олади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дори воситаларининг сифатини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Ушбу қарорга биноан маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамда мамлакатимизга четдан олиб келинган дори воситалари маълум тартибда текширувдан ўтказилиб, мувофиқлик сертификати белгиланган кейингина сотувга чиқарилиши йўлга қўйилган. Шунга кўра, дори воситалари сифатига баҳо беришнинг асосини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар Фармакопея қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказилиши, уларни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талаби даражасида такомиллаштириш жорий этилди.

Маҳаллий корхоналар фаолиятига халқаро сифат стандарти бўлмиш «Яхши ишлаб чиқариш амалиёти» — GMPни жорий этиш дори воситалари сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзфармсаноат» ДАК ҳамкорлигида мамлакатимиздаги барча фармацевтика корхоналарида инвентаризация ўтказиш, уларга GMP стандартларини жорий этиш режаси ишлаб чиқилган ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. Унга кўра 2016 йилга қадар ISO 9001 2008 сифат бошқарув тизими жорий этиладиган корхоналар сони 50 тага етказилади.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Халқимизнинг обод турмуши, Ватанимизнинг гўзал манзаралари нафақат моддий ютуқларга, балки маънавият соҳасидаги ишларимизнинг самарадорлигига ҳам боғлиқдир. Негаки, моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирлагина ижобий натижаларга эриша олади.

Маънавий уйғоқ демак, орзулар ушалади

Шу маънода республика Маънавият тарғибот маркази жойларда «Маънавият ҳафталиклари» ўтказиб келмоқда. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватан ҳимоясига ҳар биримиз масъулмиз», Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан «Ҳар тенгдошга — бир ғазал» мавзуларида адабий мулоқот, ўқувчи ва талабалар ўртасида расм чизиш, деворий газеталар чиқариш, фотосуратлар ва бошқа кўргазмали воситалар яратиш юзасидан мусобақалар ва бошқа миллий байрамларимиз муносабати билан маънавият ҳафталиклари ташкил этилди.

Марказнинг минтақавий-ҳудудий бўлимлари давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олимлар, ижодкор зиёлилар иштирокида аҳолининг турли қатламлари ўртасида учрашув, суҳбат, маъруза, савол-жавоб кечаси ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар уюштирди.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятлари аҳолиси ўртасида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарининг мазмун-моҳиятини давра суҳбати ва учрашувлар орқали тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, «Оммавий маданият» нима қилмоқчи?», «Маънавий таҳдид нима?» мавзуларида 10 дақиқалик тарғибот-ташвиқот филмлари сценарийси тайёрланди. «Баркамол авлодни тарбиялашда паст савияли «оммавий маданият»нинг салбий таъсири олдини олиш» мавзуида маъруза матни, услубий қўлланма, буклет, плакат ва методик воситалар тайёрланиб, жойларга тарқатилди.

Шунингдек, «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар томонидан кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг апрел-май ойларида «Китобхонлар байрами»ни ўтказди. Китобхонлик байрамининг ҳудудий босқичларида 530 дан зиёд ижодкор ёшлар иштирок этди.

«Камолот» ЁИҲ ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда вилоятлар бўйлаб «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар фестивалларини ўтказиб келмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 20-22 май кунлари Сирдарё вилоятида ўтказилган фестивал доирасида «Ўзбекистоннинг бетакрор маданий мероси: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар», «Музейлар — тарих кўзгуси», «Қатағон қилинган ўзбек ёзувчилари адабий меросининг миллий истиқлол ғояси тарғиботидаги ўрни ва аҳамияти» мавзуларида ўтказилган анжуманларда фаол ёшлар, ёш олимлар ўз маърузалари билан қатнашди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақда сўз юритилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби, Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғулом Мирзаев, «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси Бош директори Омонулла Ризаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши раиси Адҳамбек Алимбеков дастурда белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда масъул вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан қатор ишлар амалга оширилганини айтиб ўтишди.

Анжуман доирасида «Маънавият» нашриёти томонидан нашр қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий мавзулардаги китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Сарвиноз ТЎХТАЕВА,
ЎзМУ талабаси

ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда болаларга давлатимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу уларни баркамол инсон этиб тарбиялаш, фарзандларимизнинг ижодий қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларда яққол кўзга ташланаётир. Айниқса, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш масаласи қонунчилигимизда мукаммал ўз ифоласини топган.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Конституциямизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши кабилар кафолатлаб қўйилгандир.

Мамлакатимизда фаолияти айнан болалар ҳуқуқларини таъминлаш ва бузилишининг олдини олишга йўналтирилган махсус давлат ва нодавлат ташкилотлари ташкил этилган.

«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг узвий давоми бўлиб, унда бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси эканлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини ижтимоий таъминлашдаги ваколатлари аниқ белгиланган.

Тошмирза АҲМЕДОВ,
Тошкент шаҳар Сергели туман 1-Давлат нотариал идораси нотариуси

МАИШИЙ ХИЗМАТ



Бухородан Қоракўл тумани сари йўл олган автоуловдаги йўловчиларнинг суҳбати мавзуи кейинги йилларда вилоятдаги бунёдкорлик, ободончилик, умуман, туб ўзгаришлар ҳақида бўлиб, йўл четида жойлашган коллеж, намунавий уй-жойлар, тўйхона, бошқа маданий-маиший объектлар гўё фикрлар исботидек кўзни қувонтирди.

Қулайлик

— Автоулов Жондор тумани марказидан ўтиб, Хорсафед қишлоғига етганда, йўловчилардан бири баногоҳ автомагистралнинг чап томонида қад кўтарган муҳташам бинони кўриб қолди.

— Оғайни, машинани бироз секинлатиб, шу иншоот томон бурсангиз, бундан беш ой илгари шу ердан ўтганимда, ҳеч қандай қурилиш йўқ эди ё адашдимми ? Илтимос, бориб кўрайлик...

Ҳайдовчи уловини ўша томонга бурди. Қисқа муддатда бунёд этилган маиший хизмат мажмуасининг кўриниши чиндан-да мўъжиза эди. «Жондор пахта тозалаш заводи» очиқ акционерлик жамияти негизида бунёд этилган ушбу бинода қишлоқ аҳолиси ва йўловчилар учун зарур барча сервис хизмати ташкил этилган, Жумладан, новвойхона, ошхона, минимаркет, сартарошхона, тикувчилик цехи, пойабзал таъмирлаш устахонаси, гўшт дўкони, ҳаммом фаолият юритаётир. Шу ерда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши маслаҳатчиси Карим Саидовни учратдик. У Обод турмуш йилида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди.

— Мажмуанинг ишга туширилиши катта қулайлик бўлди, — дейди Райҳон Қурбоноваман деган аёл. — Керакли нарсаларнинг барчаси шу ердан топилади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Суратда: маиший хизмат мажмуаси фаолиятидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ОҚИБАТ

Девор олмоқчи эди...

Баъзи ака-укалар ўртасидаги ҳурмат, меҳр-оқибатни кўриб, ҳавасинг келади. Айрим ҳолларда эса қоиндан талашиб тушган оға-иниларнинг ер, уй-жой, бойлик талашиб, ораларига совуқчилик тушганига гувоҳ бўласан киши. Аслида, улар ўртасига низо солган нарсалар қондошлик ришталарини узишга арзимайди.

Маъмурбек ва Муҳсин Мамажоновлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ёнма-ён, қўшни бўлиб яшашарди. 2012 йилнинг 14 декабр куни Муҳсин ўз уйида онаси, хотини ва ўғли билан суҳбатлашиб ўтирганида акаси Маъмурбек кириб келди. Она катта ўғлини кўриб, ҳолимдан хабар олгани чиққан бўлса керак, дея суюнган бўлиши табиий. Аммо Маъмурбекнинг мақсади бўлакча эди. Онасининг яхши ниятлар билан қилган дуосидан сўнг юзига фотиҳа тортиб, Муҳсинга юзланди ва томорқани тенг бўлиб, ҳовлилар ўртасидаги ариқ ўрнига девор қуриш масаласини ўртага ташлади. Буни ҳал қилиш учун биргалашиб ер кадастр бўлимига бориб келиши кераклигини билдирди.

Акасининг фикрига жавобан Муҳсин девор қуришга ҳожат йўқлиги ва ер кадастр бўлимига бориш ҳам шарт эмаслигини маълум қилди. Укасига гапи ўтмаганидан зардаси қайнаган Маъмурбек дўқ-пўписага ўтди. Натижада, даҳанаки жанг бошланди. Фарзандларининг ўртасига тушган она ҳам уларни тўхтатиб қололмади. Келинни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Даҳанаки жанг муштлашувга айланиб, ука акани полга ётқизиб олиб, ура кетди. Она ва келин бир амаллаб уларни ажратиб қўйишди. Аммо шу билан жанжал якунига етмади. Бутунлай ақлини йўқотган Маъмурбек печка устида турган чўян чойнакни олиб, укасига қарата отди. Чойнак тўппа-тўғри Муҳсиннинг бошига тегди.

Ҳозиргина уни янчиб ташлашга тайёр турган Маъмурбек укасининг аҳволини кўриб, тезда шифохонага олиб кетди. Бироқ ғишт қолипдан кўчиб бўлганди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатига қарамай, Муҳсин Мамажонов олган тан жароҳати оқибатида 2 кундан кейин оламдан кўз юмди.

Ана энди бечора онанинг аҳволини кўринг. Ҳовлилар ўртасига девор қуриш муаммоси сабаб бир-бирига ёв каби ташланган фарзандларининг бири бу ёруғ оламни тарк этди, иккинчиси эса панжара ортида. Онага бундан ортиқ мусибат бормикан?.. Аслида, ака-укалар қизиққонлик ёшидан ўтган, ҳаётнинг паст-баландини кўриб, фарзандларини катта ҳаётга тайёрлайдиган даврда эди. Мол-мулкка эга бўлиш дардида ўйламай босилган қадам акани бир қоиндан талашиб тушган жигарининг қотилига айлантирди.

Рашидбек МЕҲМОНОВ,
Бағдод туман прокурори ёрдамчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2515 AVTOJAMLANMASI»нинг 2013 йил 19 июндаги 4/20-сонли хатига асосан, «TOSHSHAHARYUKTRANS» UYUSHMASI, «2515 AVTOJAMLANMASI»га тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 32-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташиш автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. ЗИЛ-138а русумли д/р 10 BE 470, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 2. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10АХ321, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 3. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 848, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 4. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 546, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 5. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 703, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 6. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ684, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 7. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 AQ 872, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 8. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 459, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 9. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 849, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 10. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 012 ТВА, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 197 000 сўм. 11. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 733, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 12. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 973, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 13. ЗИЛ-138а русумли, д/р 10 АХ 494, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 14. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 ВА 070, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 15. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 504 САА, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 16. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 615, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 17. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 701, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 18. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 847, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 19. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АС 808, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 215 000 сўм. 20. ЗИЛ-ММЗ-4502 АСГ русумли, д/р 10 АХ 470, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 665 000 сўм. 21. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 992, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 557 000 сўм. 22. ЗИЛ-ММЗ-45021 АСГ русумли, д/р 10 AQ 660, 1978 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 927 000 сўм. 23. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АС 809, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 24. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 734, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 25. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 AQ 594, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 054 000 сўм. 26. ПАЗ-672М русумли, д/р 10 АС 818, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 4 340 000 сўм. 27. УАЗ-469 Б русумли, д/р 57-52 ТНА, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 912 000 сўм. 28. ГАЗ 2401 русумли, д/р 10 АК 710, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 1 213 000 сўм. 29. УАЗ-31512-01 русумли, д/р 78-22 ТНА, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 233 000 сўм. 30. Н-13-130 русумли, 1991 йилда и/ч полуприцеп. Б/б - 6 062 000. 31. КАМАЗ 5521 русумли, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б – 12 396 000 сўм.

Савдо 2013 йил 11 июл куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 9 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 11 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 24 июл ва 7, 21 август кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 24 июлдаги такрорий савдолар учун 22 июл куни соат 18:00, 7 августдаги савдолар учун 5 август куни соат 18:00, 21 августдаги савдолар учун 19 август куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (8-371) 236-38-28. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 006231.

Изоҳ: а/в – автотранспорт воситаси, и/ч – ишлаб чиқарилган, б/б – бошланғич баҳоси.

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг,
МУШТАРИЙ

Ishonch
2013-yil 25-iyun № 76 (3269)

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бухоро вилоятида ташкил этилган тадбирлар ҳам болажонлар хотирасида муҳрланиб қолди. 1910 нафар болакайнинг маданият ва истироҳат боғлари, музей ва тарихий обидаларга саёҳати учун 3,62 млн. сўм сарфланди. 270 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига 5 млн. 896 минг сўмлик совғалар улашилди. Жойларда ўтган «Ота-она ва бола — спортчи оила» тадбирлари ҳам катта-ю кичикка хуш кайфият бағишлади.

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари томонидан акция доирасидаги тадбирлар «Ғунча» ақли заиф ва ҳаракати чекланган болалар мактабгача таълим муассасаси, Зомин туманидаги Мурувват ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бўлган 341 нафар боланинг кўнглини олишдан бошланди. Уларга 3,9 млн. сўмлик совғалар инъом этилди Шунингдек, 800 нафар болакайнинг тарихий обидалар, Қўғирчоқ театри, кўчма цирк, болалар боғига саёҳати уюштирилди.

Наманганликлар вилоятдаги 3500 нафар чин етим, кам таъминланган болалар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ўқув қуроллари, спорт кийимлари ва анжомлари, китоблар совға қилишди. 500 нафар болакайнинг вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлари ташкил этилди.

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари ҳам ушбу акция доирасида алоҳида саховатпешалик кўрсатишди. 612 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ногирон болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг музей, маданият ва истироҳат боғлари, хайрия концертига ташрифи учун 7,344 млн. сўм сарфланди. Бундан ташқари, 50 нафар болага 2,421 млн. сўмлик совғалар билан бирга байрам қувончи ҳам улашилди.

Самарқандликлар Меҳрибонлик уйларининг 300 нафар тарбияланувчилари учун шаҳардаги А.Навоий, «Суғдиёна», «Ёшлик» маданият ва истироҳат боғлари ҳамда тарихий обидаларга, қўғирчоқ театри томошаларига ташриф уюштиришди. Бирлашма кенгаши томонидан 10 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига 50 минг сўмдан моддий ёрдам, 37 та мактабгача таълим муассасасига 4,2 млн. сўмлик, 54-махсус интернат тарбияланувчиларига 200 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Касаба уюшмалари томонидан ушбу мақсад учун 8,9 млн. сўм йўналтирилди.

Сурхондарё вилоятида «Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор!» шиори остида ўтган тадбирда бир йўла 2000 нафар болага шодлик улашилди. «Дельфин» соғломлаштириш ва сузиш ҳавзасида мириқиб чўмилиши учун уларга бепул чипталар тарқатилди. 80 нафар боланинг Термиз шаҳридаги Археология музейи, ҳайвонот боғи ва истироҳат боғларига саёҳати уюштирилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари тизимида 150 нафар кам таъминланган оила фарзандларига совғалар улашилиб, 1200 нафар ўқувчининг музейларга, маданият ва истироҳат боғларига саёҳатлари ташкил этилди. Акция доирасидаги ушбу тадбирларга касаба уюшмалари маблағидан 5,4 млн. сўм сарфланди.

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан акция доирасида 29,3 млн. сўм сарфлангани бу борадаги ишларнинг нақадар кенг қўлам касб этганидан дарак беради.

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари 700 нафар чин етим, ногирон, кўп болали кам таъминланган оила фарзандларига 11,3 млн. сўмлик совғалар улашдилар. Бирлашма кенгаши томонидан Меҳрибонлик уйида очилган «Райҳон» болалар соғломлаштириш оромгоҳи учун 1 млн. 380 минг сўмлик ўқув қуроллари совға қилинди. «SOS» болалар маҳалласининг 20 нафар болаларига ёзги оромгоҳларга бепул йўлланма берилди, 621 нафарининг саёҳатлари ташкил қилинди.

Қашқадарё вилоятида акция доирасида 2031 нафар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-онасиз қолган болалар, ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг маданият ва истироҳат боғлари, музей, тарихий обидалар ҳамда хайрия концертларига бепул ташрифи ташкил этилди. 350 нафар кам таъминланган болага касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан 13,9 млн. сўмлик совғалар улашилди.

45 нафар кам таъминланган, иқтидорли, жамоатчи болаларга касаба уюшмалари томонидан бир марталик махсус рағбатлантирувчи стипендия ва гувоҳномалар тантанали равишда топширилди. Шунингдек, болалар оромгоҳларига 31 дона бепул йўлланма ажратилди, 71 нафар кам таъминланган, ногирон фарзанди бор оилага 4,1 млн. сўмлик озиқ-овқат жамланмаси берилди.

Алоқа, Авиаходимлар, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари, Соғлиқни сақлаш, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгашлари томонидан ҳам акция доирасида қатор тадбирлар ташкил этилиб, тармоқ ходимларининг фарзандларига шодлик улашилди.

Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшма ташкилоти томонидан болалар учун хайрия концертлари, маданият ва истироҳат боғларида спорт ва маданий тадбирлар ташкил этилди, 261 нафар ногирон болага совғалар берилди. Байрам тадбирларига 20,1 млн. сўм сарфланди.

«Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шиори остидаги «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ўтган тадбирларга касаба уюшмалари маблағидан 408,3 млн. сўм йўналтирилди. 18084 нафар Меҳрибонлик уйлари, «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари, ота-онасиз, ногирон болалар ва кам таъминланган оила фарзандларининг ҳайвонот боғи, Ботаника боғи, маданият ва истироҳат боғлари, қўғирчоқ театри, цирк, музей, тарихий обидалар, сузиш ҳавзаси ҳамда хайрия концертларига бепул ташрифи ташкил этилди. 6384 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига байрам совғалари, ўқув қуроллари, спорт жиҳозлари, китоблар, оромгоҳларга бепул йўлланмалар топширилди. Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларга, хайрия тадбирларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Болалар — мамлакатимизнинг умид ниҳолларидир. Уларнинг истиқболи учун қилинган ҳар қандай эзгу иш ўз самарасини беражак. «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида амалга оширилаётган эзгу тадбирлар ҳам ушбу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

ШАХМАТ

Шахмат бўйича юртимиз ёшлар терма жамоасининг энг ёш аъзоси — Исломбек Синдоров тезкор шахмат (рапид) бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида зафар қучди.

Балли, Исломбек!

Мусобақа Мозандарон (Эрон) шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида ўтказилди. Швейцарча усулда ўтказилган етти турнинг барчасида ғалаба қозонган Исломбек олтин медални ўзиники қилди.

Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси Шахноза Турсунова 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда бронза медални қўлга киритди.

ФУТБОЛ

Туркияда давом этаётган ёшлар ўртасидаги (U-20) жаҳон чемпионати юртдошларимиз учун омадли бошланди. Янги Зеландияга қарши «F» гуруҳи 1-тур учрашувида Аҳмаджон Мусаев шогирдлари 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Бошланиши чакки эмас

Вакилларимиз дастлабки дақиқалардан ташаббусни ўз қўлларига олишга ҳаракат қилишди.

14-дақиқада Янги Зеландия жарима майдончасида дарвозабоннинг қўпол хатосидан сўнг юзага келган вазиятда Игор Сергеев йўлланган зарба охир-оқибатда Аббосбек Махсталиев аралашуви билан мантиқий якун топди. У тўпни яқин масофадан дарвозага йўллаб ҳисобни очди — 0:1. Киритилган голдан кейин ҳужумкорлик янада шиддатли тус олди. Айниқса, Козак — Искандаров — Сергеев учлиги рақибларни шошириб қўйди.

Биринчи бўлимнинг охирларида Игор Сергеев ва Диёрбек Туроповларда яхши имкониятлар бўлди. Сергеевнинг чап оёғида берган зарбаси дарвоза устунига тегиб қайтди. Туропов дарвозабонни алдаб ўтиб, берган зарбаси гол бўлишига оз қолди.

Иккинчи бўлимнинг бошларида Фомин ва Сергеевлар ишончли ҳаракат қила бошлашди. 53-дақиқада Аббос Махсталиев Игор Сергеевга ажойиб тўп узатди. Ҳақиқий ҳужумчиларга хос ҳаракат қилган Игор Ўзбекистоннинг иккинчи голига муаллифлик қилди — 0:2. Орадан кўп ўтмай (67-дақиқа) Диёрбек Туропов узоқ масофадан кучли ва аниқ зарба йўллаб, учинчи голни киритди.

— Бугун омад биз тарафда бўлди. Олдинда Хорватия ва Уругвайга қарши осон бўлмаган ўйинлар бор. Кўп нарса кучларни тўғри тақсимлашга боғлиқ, — деди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев.

Жамоамиз гуруҳ босқичидаги навбатдаги ўйинларни 26 июн куни Хорватия, 29 июн куни Уругвай ёшларига қарши ўтказади. Дастлабки ўйин Бурсада ўтса, иккинчиси Анталияда бўлиб ўтади.

САЁҲАТ

«Обод турмуш йили» дастури ижросини таъминлаш, туризмни ривожлантириш ҳамда касаба уюшма аъзоларининг кўнгилли ҳордиқ чиқаришига кўмаклашиш мақсадида таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қўшкўпир туман кенгаши хайрли ишни амалга оширди.

Самарқанду Бухоро кўз ўнгимизда

— Тармоқ ташкилотларида меҳнат қилаётган 53 нафар аъзомизнинг тарихий шаҳарларга саёҳатини уюштирдик, — дейди кенгаш раиси Бекберган Аҳмедов. — Ўйлаймизки, саёҳат жуда соз ўтди, аъзоларимиз кўнгилли ҳордиқ чиқаришди.

Саёҳатчилар уч кун давомида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалар билан танишишди.

— Тарихий обидалар, қадамжолар зиёрати кўнглимизни осмон қадар кўтарди. Улуғ аждодларга макон бўлган, гўзал, бетакрор юрт фарзандлари эканлигимиздан ғурурландик, — дейди Қўшкўпир туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси Қувондиқ Султонов. — Кўпгина маълумотларга эга бўлдик.

— Бундан анча йиллар олдин Самарқандда бўлгандим, — дея таассуротини ўртоқлашди 24-мактаб ўқитувчиси Оллаберган Бекчонов. — Ҳозирда шаҳар бутунлай ўзгариб кетибди. Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларидан лол қолдим.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА

1992 йил Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти томонидан Ли Светлана Леонидовна номига берилган ФВ № 986393 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Косонсой туманидаги «Соҳил» оромгоҳида спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзалари, ошхона, тиббий маскан замонавий усулда жиҳозланган. Оромгоҳда 150 нафар ўғил-қиз мириқиб дам олиш билан бирга саломатлигини ҳам тикламоқда.

Кутубхона, спорт секциялари, тўгараклар, сўлим боғ дам олувчилар билан гавжум. Ўтказилаётган қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар ўғил-қизлар таътилини унутилмас таассуротлар билан бойитмоқда.

Суратда: Косонсой туманидаги «Соҳил» оромгоҳида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Португалиянинг Анади шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон кубогининг еттинчи турида қатнашган вакилларимиз олтин, кумуш ва бронза медалларига эга бўлишди.

Ҳаммасидан бор...

Брусда машқ бажаришда 15, 575 балл тўплаган терма жамоамиз етакчиларидан бири Антон Фокин турнирнинг олтин медалини ғазнамизга қўшиб қўйди.

Тўсиққа таяниб сакрашда Оксана Чусовитина кумуш, тўсиқ устида машқ бажаришда Эдуард Шувалов бронза медалини қўлга киритди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Гулҳаёнинг сеҳрли суратлари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Отаси Абдулла Очилов Қарши давлат университетининг «Педагогика — психология» факултетининг «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси» кафедрасида, онаси Вазифа опа эса вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти «Амалий фанлар» кафедрасида ўқитувчилик қилишар, табиийки, оиладаги муҳит уч фарзанд — Гулҳаё, Гулираъно ва Абдулазизда ижодкорлик қирралари шакл топишида яхшигина туртки вазифасини бажарарди.

— Бир куни иккала қизим ҳам уйда кўринмай қолди, — ҳикоя қилади отаси Абдулла ака. — Онаси билан изламаган жойимиз қолмади. Кейин билсак, иккиси ҳам уйда хонтахтанинг остига кириб олиб, тахтага расм солаётган экан... Қолаверса, онам ҳам, қайнонам ҳам қўли гул чеварлар бўлишган. Моларининг яратувчанлиги қизларимга ўтганидан хурсандман.

Гулҳаё чизган суратлари билан турли кўрик-танловларда фаол қатнаша бошлади. Жумладан, 2008 йилда «Янги авлод» V болалар фестивалида ўз ижодий ишларини илк бор намойиш этди.

2008-2009 йилларда «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори!» мавзуида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиб, «Тасвирий санъат» йўналишида 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, спортнинг сузиш ва спорт гимнастикаси турлари билан шуғулланган қаҳрамонимиз спорт гимнастикаси бўйича Қарши шаҳар биринчилигида 2-ўринга сазовор бўлди.

У 2010 йилда Қарши шаҳридаги 19-умумий ўрта таълим мактабини имтиёзли тамомлаб, пойтахтга йўл олди. Ўз билимларини республика рассомчилик коллежида мустаҳкамлаётган мусаввир қиз синглиси Гулираъно билан локли миниатюра санъати сирларини мукаммал ўзлаштирмоқда.

Локли миниатюра санъати — ўзбек халқининг энг нафис ижод турларидан бири бўлиб, манбаларда ёзилишича, сурат солинган локли қутичалар дастлаб XVI асрда Бухорода ясалган экан. Бу даврдаги локли миниатюра намуналари бизгача етиб келмаган, ҳунармандчиликнинг бу турига хос бўлган кўпгина ишлаб чиқариш жараёнлари эса унутилиб кетганди. 1970 йилларда Ватанимизнинг бир қатор рассомлари ва халқ усталари ушбу ажойиб санъат турини қайта тиклашга бел боғладилар. Улар орасида таниқли ўзбек мусаввири Чингиз Аҳмаров, ўша пайтда ёш, навқирон санъаткорлар Ниёзали Холматов, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Ҳайрат Камолов, Абдувосит Қамбаров, Мунира Сотиболдиева ва бошқалар бор эди...



Яна Гулҳаёнинг ижодий изланишларига тўхталсак. 2011 йилда у Амир Темур таваллудининг 675 йиллигига бағишлаб ўтказилган миниатюрачи ва ёш мусаввирларнинг «Соҳибқирон бунёдкорлиги» мавзуидаги ижодий беллашувида диплом билан тақдирланди. Шунингдек, «Мастер-класс» намойишлари ҳамда 2012 йилда «Ташаббус — 2012» кўрик-танлови Қашқадарё вилоят босқичида «Энг яхши ёш тадбиркор» номинацияси ғолиби бўлди.

Пойтахтда тажрибали устозлари ҳамда коллеж маъмурияти кўмагида турли кўргазмалар ташкил этиб, мўйқалами сеҳрини барчага намоён этаётган опа-сингилларнинг маҳорати кундан-кун сайқалланиб бормоқда. Шогирдлар камолидан устоз Ҳасан Исоқжоновнинг боши кўкка етмоқда. Чунки сабоқлар беиз кетмаяпти.

Келинг, икки оғиз ўтаётган кўргазмалар ҳақида...

Гулҳаёнинг Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этган «Илк қадам» номли кўргазмаси барчада катта таассурот қолдирганди. Шунингдек, 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган «Устозлар изидан» номли шахсий кўргазмаси учун ҳам мақтов ёрлиғи билан тақдирланди. 2012 йилнинг ноябр ойида Қарши шаҳрида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ўтказилган кўргазмада иштирок этиб, «Йилнинг энг яхши ҳунарманд аёли» деб топилди.

Гулҳаё вилоят ёшлар ташаббуслари маркази — «Келажак овози»нинг «Маданият ва санъат» йўналиши фаоли. Қашқадарё вилояти «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси. Компютерда ишлашни яхши ўзлаштирган, инглиз ва рус тилларида эркин гаплаша олади.

— Қизларимда болалигидан рассом Рўзи Чориевнинг ижодига бўлган қизиқиш юқори, — дейди Абдулла ака. — Бир куни устоз мўйқаламини дарахтга артиб тозалаганида, қизларим ўша бўёқларда кўзларини бўяб олишибди. Рўзи аканинг бўёқларини кўзига суртган фарзандларимдан келажакда устоздек яхши рассом етишиб чиқишини орзу қиламан.

Гулҳаё ва Гулираъно шу кунларда «Буюк саркарда Амир Темурнинг юришлари» мавзуидаги диплом иши лойиҳаси билан банд. Улар «Триптих» йўналишидаги бу ижодий ишда тарихимизни янада теранроқ, ўзига хос тарзда очиб беришга ҳаракат қилишмоқчи...

Биз Гулҳаёнинг «томошақовоқ»қа солган суратларини томоша қилдик, бошқа ижод намуналари билан ҳам танишдик. Унинг ижодига хорижликлар бежиз қизиқмаганига амин бўлдик. Улуғ шоира Зулфиянинг муносиб издоши бўлган изланувчан ва тиришқоқ Гулҳаёга омадлар тиладик...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 345